

## ХУДУДНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Г.П.Эркаева**

Қарши ДУ Масофавий таълим кафедраси мудири

**Ш.Жаҳонгиров**

Қарши ДУ 2-босқич магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишдаги назарий қарашлар, ҳалқаро амалиётда қўлланилаётган тажрибалар ва усуллар ёритилган. Муаллифлар томонидан ҳудуднинг ривожланишини тартибга солиш бўйича таклиф ва тасиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳудуд, минтақа, миллий иқтисодиёт, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ЯҲМ, маҳаллий бюджет, иш ҳақи.

**Аннотация:** В данной статье освещаются теоретические взгляды на регулирование социально-экономического развития страны, опыт и методы, используемые в международной практике. Автором даны предложения и рекомендации по регулированию развития обозначенной территории.

**Ключевые слова:** территория, регион, национальная экономика, социально-экономическое развитие, ВВП, местный бюджет, заработная плата.

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти давлатнинг минтақавий сиёсати ва ҳудудий бошқарув органлари фаолияти орқали тартибга солинади.

Ҳудудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш назарияларининг «етақчилари» С.Деннисон ва А. Леш ҳисобланади. Улар ривожланишни тартибга солишда ўзаро тубдан фарқ қилувчи иккита концептуал ёндашувга асос солишган. С.Деннисонни «фаол қайта қурувчиларга» киритиш мумкин, А.Лёшни эса, юқорида қайд этиб ўтилганидек «адапторлар»га. С.Деннисон урушдан олдинги Буюк Британия учун жиддий муаммо бўлган депрессив ҳудудларни тартибга солишни кўриб чиққан. У асосий эътиборини саноат инвестициялари географиясига бевосита усуллар ёрдамида таъсир этишга қаратган. Бу усуллар саноатга янги капитал қўйилмаларини жойлаштириш устидан марказлашган назоратни ўрнатиш билан боғлиқ бўлган.

Халқаро амалиётда кенг қўлланилган ва ижобий натижаларга эришган “Худудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш” назариялари мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланилмоқда. Давлат бу борада миллий ва маҳаллий дастурлар орқали худудлар тараққиётига фаол аралашмоқда.

Худудлар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- худудда бандликнинг бир бирлигига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги;
- меҳнатнинг фонд қайтими ва таъминланганлиги;
- асосий фондлар рентабиллиги (ялпи даромад ва ЯХМ бўйича);
- солиштирма инвестициялар (товар ишлаб чиқариш ва хизматлар бирлигига);
- ўртача иш ҳақи; худуд аҳоли сонига бандлик ҳиссаси;
- ЯХМдаги солиқ ва солиқсиз устамалар ҳиссаси (солиқ юки);
- маҳаллий бюджет даромадларининг республика бюджетидан ажратмалари ҳиссаси;

-бир яшовчи ҳисобида маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари ва бошқалар.

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тартибга солишнинг мақсадларига қуйидагилар киради:

- худудий сиёсатнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратиш;
- худудларнинг иқтисодий имкониятларидан қатъий назар, ягона минимал ижтимоий стандартлар ва тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш;
- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун шарт-шароитларни тенглаштириш;
- атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ҳамда унинг ифлосланиши оқибатларини йўқотиш, худудларни комплекс экологик ҳимоя қилиш;
- ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга худудларни устувор ривожлантириш;
- худудларнинг табиий - иқлим хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;
- ўзини-ўзи бошқариш кафолатланишини таъминлаш.

Бошқарув тизимида кирувчи (республика, вилоят, туман ва шаҳарлардаги) ижро ҳокимиятининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган раҳбар кадрларнинг бугунги кундаги маҳорати, ўз вақтида ва тезкор қарорларни қабул қилиш даражаси, муаммоли вазиятларни бошқалардан кўра тез илғай олиши, прогнатиклик қобилиятининг мавжудлиги давлат ва унинг худудларини бир бутун ҳолда ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам жойларда раҳбар лавозимларида фаолият олиб бораётган кадрларни ҳар

томонлама мукаммал қилиб тайёрлаш, уларнинг мунтазам равишда ўз касб маҳоратларини ривожлантириб боришларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тизимли равишда бартараф этиш бўйича самарали бошқарув услубларининг замонавий ҳолатларини уларга етказиш тадбирлари йўлга қўйилган.

Ҳозирги пайтда ҳудудларни самарали бошқариш муаммосини ҳал этиш бўйича иккита кенг тарқалган қарашлар мавжуд.

**Биринчидан**, ҳудудларнинг самарали бошқарилаётганлигига иқтисодий ривожланиш ёки иқтисодий фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларини таққослаш орқали баҳо бериш (ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад, меҳнат унумдорлиги, ўзлаштирилган инвестицияларнинг ҳажми ва уларнинг самарадорлиги ва б.к.).

**Иккинчидан**, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланган мақлағлар миқдори ёки битта бошқарув қарори, қонун ёки қарорларнинг “ишлаб чиқариш” харажатларида билвосита акс этишига қараб баҳо бериш.

Ҳудудларни самарали бошқариш бўйича яратилган баҳо бериш усуллари объектни (ҳудудни) бошқаришнинг барча жиҳатларини қамраб олмаслиги ва бошқарув самарадорлигини тўлиқ очиб бермаслигини инобатга олиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш самарадорлигини аниқлаш учун янгича усулни (метод) татбиқ этиш лозим ҳисобланади. Шу ўринда “ҳудуд – тизим” усулини қўллаш ва бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш учун унинг барча узвий боғлиқ бўлган алоқаларни аниқлаш ҳамда тизимнинг хатти-ҳаракатига таъсир этишини намоён этадиган схемани яратиш масаланинг туб моҳиятини очиб беришга хизмат қишини таъкидлаш лозим.

Ҳудудни самарали бошқариш муаммосини ҳал этишда, бунинг учун тизимли ёндашувнинг бир қанча функциясини келтириб ўтиш жоиз ҳисобланади. Буларга,

-бошқарилувчи тизим;

-бошқариладиган тизим – жамият ва унинг барча компонент-ларини бошқариладиган объект сифатида қараш;

-ўзаро боғланган тизим – алоқаларни боғлайдиган турли хилдаги институтларнинг мавжудлиги.

Ҳудудни самарали бошқаришда қўлланиладиган алоқалар тўғридан-тўғри ва билвосита, вертикал ва горизонтал йўналишда намоён бўлади. Бу ерда бошқарувчи субъектдан бошқариладиган ахборот чиқиб кетади ва бошқариладиган объектдан қайта алоқа сифатида ахборотнинг узатилиши содир

бўлади. Шунинг учун ҳам ҳудудларнинг ривожланишини бошқариш тизими жамиятда мавжуд бўлган барча ресурсларнинг самарали сарфланишига шароит яратиб берилишини таъминлаши керак бўлади. Жумладан, моддий, интеллектуал, молиявий, ахборот ва демографик ресурслар ва ҳ.к.

Мамлакат иқтисодиёти ёки алоҳида олинган ҳудуднинг ривожланишини тизимли бошқариш усулида уларни ягона тизим сифатида қараш, бир қанча функционал боғланган иерархик буғинлардан (даражалардан) таркиб топганлигини ва ягона мақсад сари ривожланишини қайд этиш лозим. Ҳудуднинг иерархик тарзда ташкил этилиши тизимда мавжуд бўлган элементларнинг бир-бири билан вертикал ва горизонтал боғланганлигини юзага келтиради. Ҳудудни бошқариш тизими ўзига хос қийин бўлган, у ерда ташкил топган гуруҳларни ягона мақсад сари бирлаштириш билан бир қаторда, уларнинг жузъий манфаатларини инобатга олиш, бунинг учун эса бир қанча усул ва услубларни қўллаш зарур бўлади. Демак, бу ерда барчанинг манфаатларини мувофиқлаштириш, ушбу структураларнинг ҳар бирини бозорнинг қоидаларидан келиб чиқиб, индивидуал ривожланишига ҳам шароит яратиш, керакли пайтда назорат қилиш ва мониторингини мунтазам олиб боришни йўлга қўйиш муҳим жиҳатлардан ҳисобланади.

Минтақаларни бошқариш ҳудуднинг индивидуал характери ва унга мос келадиган ҳудудий ўсиш назарияларига асосланиб олиб борилади.

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солиш зарурати ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўзларига бириктирилган даромадлар манбалари ҳисобига ҳал этишда кўпроқ эркинлик ва ваколатлар берилганда юзага келади. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш-республика ҳокимият органлари томонидан ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳамда бу ривожланиш билан боғлиқ ижтимоий жараёнларга таъсир этиш воситаси бўлиб, унинг натижасида ҳудудий сиёсат рўёбга чиқади.

Ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа объектларини ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштироқи манзилли тартибга солиш йўллари билан бири сифатида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида мамлакатда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни келтириш мумкин. Ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

Ҳудудий ривожланишнинг макроиқтисодий воситалари давлатнинг солиқ, кредит, инвестиция, нарх, ижтимоий ва бошқа сиёсатнинг ҳудудлар бўйича

дифференциациялашган параметрлари сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

Халқаро амалиётда кенг қўлланилган ва ижобий натижаларга эришган “Ҳудудий иқтисодий ривожланишни давлат томонидан тартибга солиш” назариялари мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланилмоқда. Мақсадли ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда Тошкент шаҳрида (2000 йил билан таққослаганда 4,3 марта), Қорақалпоғистон Республикасида (3,5 марта), Жиззах (3,9 марта), Самарқанд (3,8 марта), Наманган (3,5 марта), Андижон (3,3 марта), Сурхондарё (3,3 марта) вилоятларида ЯҲМ нинг изчил ўсиш суъатлари таъминланди. Шунингдек, кузатилаётган давр учун ЯҲМ нинг ўртача йиллик ўсиш суръати Тошкент шаҳрида 109,6 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 108,2 фоиз, Жиззах вилоятида 109,0 фоиз, Самарқанд вилоятида 108,7 фоиз, Наманган вилоятида 108,1 фоиз, Андижон вилоятида 107,9 фоиз, Сурхондарё вилоятида 107,8 фоизни ташкил қилди.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш ўз моҳиятига кўра давлат миқёсида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни назарда тутди. Ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришда давлатнинг тўғридан-тўғри иштирокини таъминлаш муҳим саналади. Ҳудудий ривожланишни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий иқтисодий механизми бюджет тизими ҳисобланади. Бюджетлар қонуний актлар асосида қабул қилинади ва ишлатилади.

Замонавий бозор иқтисодиётини шакллантириб бориш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида ҳудудларнинг бир текисда ривожланишини таъминлаш бошқарув тизимининг нечоғли самарали йўлга қўйилганлигига ва ҳаётий муаммоларни ҳал этиш учун ўз вақтида қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигига боғлиқдир.

Минтақаларни бошқариш – ҳудудлар тараққиётига таъсир кўрсатадиган ташқи ва ички омилларни ўз вақтида аниқлаб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувозанатли ва барқарор суъатларда олиб бориш шу билан бир қаторда тизимли усуллар орқали бошқаришни йўлга қўйишдан иборат.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. –М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2006. –61 с.
2. Туманова Е.Н. Совершенствование системы государственного регионального антикризисного управления.// Проблемы и перспективы экономики и управления: материалы I Междунар. науч. конф. г. Санкт-Петербург, 2012 г. - 204-208 с.
3. Георгиева К. Региональное развитие: уроки международного опыта // Всемирный Банк, 2006. -16 с
4. Еркаева, Г., & Исматуллаев, Ж. (2020). Необходимость и особенности применения кризис-менеджмента пандемии в регионах. *Экономика И Образование*, 1(5), 230–234. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/5721](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/5721).
5. Nakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(2), 3943-3949.
6. Erkayeva, G., & Vayskulov, R. (2022). Mintaqaviy turizmni rivojlanitirishda geoaxborot texnologiyalarning ahamiyat.“. *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*”(Economics and Innovative Technologies) *ilmiy elektron jurnali*, 1, 344-352.
7. Fayzullaevich, K. G., Panjiyevna, E. G., & Gaybulla o‘g‘li, F. K. (2021). LABOR MOTIVATION IN SMALL BUSINESS ENTERPRISES. *American Journal of Economics and Business Management*, 4(2), 89-93.
8. Исматуллаев, Ж. (2022). АНАЛИЗ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ. *Экономика и образование*, 23(4), 387–392. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/611>
9. Исматуллаев J. (2021). АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ СТЕПЕНИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ И ИХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ. *Экономика и образование*, (4), 355–358. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/186>.